



20.04.2023 йил
№01-39

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм
вазирлиги ҳузуридаги Кинематография
агентлигига

ЮРИДИК ХУЛОСА

Мен, “ABDUSAMADOV AND PARTNERS” адвокатлик бюроси адвокати Абдусаматов Алишер Холмаматович Кинематография агентлиги томонидан тақдим этилган “Коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ лойиҳасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламан.

Буйруқ лойиҳаси ва буйруққа илова қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон Қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Шунингдек, буйруқнинг 2-5-бандларида кўрсатилган буйруқнинг моҳиятини ва унда назарда тутилган талабларни ходимларга таништириш ва муайян муддат ичида марказий аппарат ва тизим ташкилотларига ижро учун етказиш тўғрисидаги бандлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга доир конун ҳужжатлари талабларига зид келмайди.

Адвокат



А.Х.Абдусаматов